

## ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ИЖТИМОЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Бухоро давлат университети  
мустақил тадқиқотчиси *Б.И.Бешимов*

**Аннотация:** Ушбу мақолада жамиятнинг ўзига хос ҳодисаси сифатида қараладиган жиноятчилик унинг олдини олишда ижтимоий тарбиянинг роли ва тавсифи унга оид илмий қарашлар таҳлил этилган. Жиноятчиликнинг пайдо бўлиши унинг оқибатлари ва жамият ҳаётига салбий таъсири, унга қарши чора тадбирларнинг сифатини ошириш учун қилинадиган ишларнинг назарий томонлари очиқ берилган.

**Резюме:** определение и описание преступности, рассматриваемой как специфическое явление общества, в данной статье анализируются научные взгляды на нее. Раскрыты теоретические аспекты того, как возникновение преступности влияет на ее последствия и негативное влияние на жизнь общества, что делается для повышения качества противодействия ей.

**Abstract:** definition and description of crime, considered as a specific phenomenon of society, this article analyzes scientific views on it. The theoretical aspects of how the emergence of crime affects its consequences and negative impact on the life of society are revealed, which is done to improve the quality of countering it.

**Калит сўзлар:** дефиниция, ижтимоий тарбия, тавсиф, жиноят, жиноятчилик, жиноий ҳаракат, жазо, ҳулқ-атвор, меъёр, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий саводхонлик.

**Ключевые слова:** социальная воспитания, определение, определение, описание, преступление, преступление, преступное деяние, наказание, поведение, норма, правовая культура, правовая грамотность.

**Keywords:** definition, definition, description, crime, crime, criminal act, punishment, behavior, norm, legal culture, legal literacy.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳаларидаги трансформация жараёнларида жамият ҳаётида содир бўлаётган ғайриинсоний ва ғайриижтимоий ҳодисаларнинг олдини олишга жиддий эътибор қаратмоқда. Айниқса, жиноятчилик ҳодисасининг хилма-хил шакл ва кўринишларда намоён бўлиши ривожланаётган дунёда турли аянчли ижтимоий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Шу нуқтаи назардан, Янги Ўзбекистон шароитида жиноятчиликни келтириб чиқараётган омиллар, шарт-шароит ва сабабларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ҳозирги даврда ушбу ҳодисанинг глобал миқёсда тарихий ўзгарувчанлик моҳиятини ўрганиш унинг барвақт олдини бўйича ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш зарурати мавжуд.

Дунё илм-фани ва фалсафасида жинойтчиликнинг тарихи, унинг вужудга келиши сабаблари, оқибатлари ўзига хос хусусиятлари, жинойт ва жазо, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, янгиланаётган жамиятларда жинойтчиликнинг барвақт олдини олиш, унга қарши кураш услуб ва механизмларини такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жинойтчиликнинг асл негизлари, жамият тараққиётига салбий таъсири, минтақавий хусусиятлари, ўзгарувчанлик жиҳатлари билан боғлиқ масалалардаги ёндашувларнинг хилма-хиллиги, айрим ноҳолисликларнинг мавжудлиги бу муаммони ҳаққоний, илмийлик тамойиллари асосида ва ҳолисона ўрганишни, ушбу соҳада кенг қамровли комплекс илмий назарий тадқиқотларнинг заруратини юзага келтирмоқда.

Инсоният тараққиёти давомида жамият ривожига ва барқарорлиги учун хизмат қилувчи эзгу мақсад-муддаолари акс эттирувчи ҳодисалар қатори унга зид равишда турли шаклдаги жинойт ва жинойтчилик туркумига кирувчи ҳодисалар ҳам бўлган. Жинойтчилик бир эмас, кўплаб жинойтлар, уларнинг муайян йиғиндиси сифатида ғайриижтимоий, ғайриинсоний ва хавфли қилмишларнинг жамиятда мавжудлиги англатади. Ҳар даврда ўзига хос тарзда жинойтчиликка турли усул ва воситалар орқали қарши курашлар олиб борилган. Агар, жинойтчиликка қарши кураш олиб борилмаса, бир жинойт иккинчи жинойтнинг келиб чиқиш хавфини орттирган. Бу ўз ўрнида жинойтчиликнинг илдиз отиб жамият ҳаётига салбий таъсирини кўрсатиб, маънавий, ахлоқий муҳитга раҳна солади. Бундан мамлакатнинг моддий ва маънавий зарар кўриши, жамиятда истиқомат қилаётган фуқароларнинг осойишта ҳаётига, тинчликка, давлат бошқарувида бошбошдоқликка сабаб бўлиши тайин. Рус олими В.М. Коган жинойтчиликнинг ижтимоий хоссаларини ўрганиб, унга: “Муайян жойда муайян вақтда содир этилган барча жинойтлар мажмуи ҳамда ушбу жинойтларни содир этишда айбдор барча жинойтчилар мажмуи”<sup>1</sup>, деб таърифлаган. Жинойтчилик тушунчаси жамият тараққиётининг муайян босқичида, нафақат айрим ижтимоий хавфли қилмишлар, балки уларнинг муайян мажмуи мавжудлиги ва унинг ижтимоий ҳодисалар билан алоқадорлиги аниқлангандан кейин пайдо бўлди. Жинойтчилик тушунчасининг мазмуни у нафақат объектив, балки ижтимоий ҳодиса, яъни кишилиқ жамияти ва унинг қонунлари билан боғлиқ эканлигини англатади. Шунинг учун ҳам жинойтчилик тушунчасига таъриф берган кўпгина муаллифлар унга энг аввало ижтимоий ҳодиса сифатида таърифлашга алоҳида эътибор қаратадилар.

Бизнинг фикримизча: *Жинойтчилик муайян ҳудудда содир бўладиган ҳамда тарихий ва ижтимоий омиллар таъсирида ўзгариб борадиган ижтимоий хавфли ҳуқуқбузарлик шаклларида таркиб топувчи ижтимоий ҳодисадир.*

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръоннинг “Нисо” сураси 29-оятда “Эй имон келтирганлар бир-бирингизнинг молингизни ноҳақ еманг. Савдо-сотик қилганда бир-бирингизни рози қилинг. Ўзингизни ҳалок қилманг”<sup>2</sup> Аллоҳ сизларга раҳм шафқатли ахир. Шу суранинг 30-оятда адоват ва зўравонлик билан шундай қилганлар<sup>3</sup>ни дўзах ўтида куйдираман. Бу иш Аллоҳга жуда осон. Шунингдек, 31-оятда ман этилган оғир гуноҳлар<sup>4</sup>дан сақлансангиз енгилларини кечираман. Сўнгра роҳатбахш манзилга киритаман”<sup>5</sup>-дейлади. Дарҳақиқат, муқаддас китобларда ҳам инсоннинг хатти-ҳаракатларида содир бўладиган жинойтлар, ёмон

<sup>1</sup> Коган В. М. Социальные свойства преступности. – М., 1977. – С.37.

<sup>2</sup> Ботил(ноҳақ) йўл билан мол емоқ ҳам катта маъсият (гуноҳ) сифатида ҳалокатга сабаб бўлади. Бу ишни қилганлар ўзини-ўзи ўлдирган бўлади.

<sup>3</sup> Бир-бирин молини ноҳақ еганларга ишора қилинган.

<sup>4</sup> Ноҳақ одам ўлдириш, зино, баччабозлик, арақ ичиш, ўғрилиқ, ота-онага оқ бўлиш, тарозидан уриб қолиш, пора олиш назарда тутилади.

<sup>5</sup> Қуръони карим оятлари мазмун-маъносининг ўзбекча изоҳли таржимаси. (Таржимон А.Иноятов, Ғ.Зиқриллаев), Т.: “Hilol nashr” 2022-Б.83.

одатлар, инсон хулқларидаги нуқсонлар қораланди. Унинг жазоси охиратда қаттиқ бўлишига ишора қилинади. Демак, инсон ўзини-ўзи ахлоқан, маънан юксалтиришга, онгли ва соғлом ҳаёт кечиришга ундамаса, ўзи учун ҳам жамият учун ҳам катта зарарлар етказди. Жамиятда содир бўладиган жиноятларнинг енгилига ҳам оғирига ҳам жазо муқаррар. Инсонпарвар жамиятларда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлаб қўйилган. Унинг муносиб турмуш кечириш учун етарли шарт-шароитлар ҳам яратилган. Мусулмон халқлари, умуман гуманистик ғоялар, диний қадриятларимиз асосида шаклланган раҳм-шафқат, авф этиш, гуноҳларни тан олиб қатъий тузалиш йўлига ўтганларни кечириш, бугунги қонунчилигимизда инсонпарварликнинг устуворлигини таъминлашга қаратилган ишларимиз инсонни ўз номига муносиб яшашини, жамиятнинг барқарорлигини сақлаб қолишга бўлган эзгу мақсадларимизнинг ифодасидир. Аммо, жиноятлар ёки жиноятчилик ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Унинг ўзига хос сабаблари, шарт-шароит, омиллари ҳисобга олинади. Турли шарт-шароитда, турли ижтимоий муҳитда шаклланган кишиларнинг табиатида хилма-хил яхшиликлар билан бирга нуқсонлар ҳам бўлади. Буни албатта, у яшаган муҳит, унинг ҳаётида содир бўлган ҳолатлар, яхши ёки ёмон таассуротлари агрофидаги кишиларнинг таъсири ҳам шакллантириши мумкин.

Соҳа вакиллари, олимлари жиноятчиликнинг келиб чиқиши сабаблари, омиллари хусусида тадқиқотларида ҳар томонлама илмий фикрларни илгари сурганлар. Уларнинг фикрига кўра, инсон хулқ атворини ўрганиш унинг жиноятчиликнинг содир бўлишида, ижтимоий ҳодисага айланиб кетишида муайян ўрин тутади.

Аристотел фикрига кўра, “одамларнинг (баъзи) қилмишлари ва хатти-ҳаракатлари учун аниқ қонун қоидалар йўқлиги туфайли икки хил хатога йўл қўйилади. Бу хатолар фазилатга интилишдаги хатоларга ўхшашдир. Масалан, тез ғазабланиш ҳам умуман ғазабланмаслик ҳам ёмон ўртача йўл тутиш яхшилиги каби. Бирор фазилатга (мўътадил йўл тутишга) интилар экансиз, табиий, туғма майл, одатларимиз туфайли хатоларга йўл қўямиз (яъни, гоҳ зиёдалик томонга, гоҳ камлик томонга оғамиз). Лаззатлар ва изтироблар бизни у ёки бу томонга оғдиради. Лаззат, роҳат топамиз деб, биз инсонга номуносиб хатти-ҳаракатлар қиламиз. Азоб изтиробдан қочиш учун яхши, савоб ишлардан узоқлашамиз”<sup>6</sup>. Демак, инсоннинг билиб ёки билмасдан содир этадиган қилмишларининг сабаблари ҳар хил изоҳланади. Ижтимоий фалсафий таҳлилларнинг ўзига хослиги жиноятчиликнинг умумий мазмун моҳиятини ижтимоий сабабалари ва оқибатларига эътибор қаратиши билан ҳам изоҳланади. Соҳа олимларининг криминология нуқтаи назаридан қарашлари алоҳида шахс хулқ атворидаги ўзгаришлар билан ҳам баҳоланади.

Ҳар қандай жиноий қилмишнинг асосида инсон ва жамият ўртасида низонинг мавжудлиги туради. Низонинг чуқурлиги ижтимоий хавфни белгилаб беради ва шунинг учун унинг ҳал этилишида жиноий-ҳуқуқий таъсир ўтказиш кераклигини кўрсатмоқда. Шундай қилиб жиноят кишининг қандайдир ташқи хулқ-атвор акти сифатида намоён бўлиб у ҳаракат ва ҳаракатсизлик шаклида намоён бўлади ва индивиднинг ирода ва онги томонидан назорат қилинади. Тарихдан эътибор берилса, ишлаб чиқаришнинг ривожланмаганлиги, жуда катта ҳудудда аҳолининг яшашу уларнинг кам сонлиги, ибтидоий одамни ўз хулқ-атворини уруғ ва қабилла манфаатларига мослаштиришга мажбур этган. Уруғдошлик жамияти шароитида яшаган одамларнинг кўп сонли авлодлари ўзаро ёрдам, тенглик, эркинлик, ҳалоллик, қариялар, беморларга ғамхўрлик туйғуларига асосланган урф-одатларни шакллантириш асосида жамоада муносабатларни тартибга солганлар. Аммо вақт ўтиши билан янги ишлаб чиқариш шакллариининг вужудга келиши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши иқтисодий, психологик ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро таъсири шунга олиб келдики, айрим

<sup>6</sup> Арасту. Ахлоқи кабир. (Таржимонлар: Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон), -Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. -Б.132.

гайриижтимоий қилмишлар нисбатан оммавий ҳодисага айланиб қолди. В. Алимасов фикрига кўра, “одамнинг ўзини социал муҳит билан айнанлаштириши негизида илк кишиларнинг жамоа бўлиб яшаши ва коммунитар фикрлаши ётади. Илк одамлар якка яшай олмас эдилар. Ён атрофдаги хавф-хатарлар, меҳнат қуроларининг ривожланмагани, озик-овқат топишнинг кийинлиги қабилар кишиларни жамоа бўлиб, уюшиб яшашга мажбур қилган. Жамоа қабила, уруғ ҳаёт тарзи, нормалари ҳаммага бирдек, тааллуқли эдики, ҳеч ким уларга қарши чиқишни хаёлига келтирмаган”<sup>7</sup>. Демак, қадимги дунё одамлари жамоа бўлиб яшашда умумий коммунитар ҳаёт тарзи ва фикрлаши одамни тур сифатида сақлаб қолишига имкон берган.

Ижтимоий тарбия шахснинг ижтимоий фазилатларини тарбиялаш, ўстириш, ён атрофдаги кишилар, атроф муҳит, одамлар ва ўзига нисбатан турли муносабатлар доирасини вужудга келтириш ҳамда уни кенгайтириш *iborat*. Ижтимоий тарбия ўзига хос мураккаб бир жараён эканлиги илмий адабиётларда қайд қилинади. Шу маънода, “тарбия ўз моҳиятига кўра индивидуал ва ижтимоий характерда бўлади. Индивидуал тарбия якка кишининг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатини ўзгартиришга қаратилган бўлса, ижтимоий тарбия бутун бошли жамият, миллат, халқ онги ва фаолиятини қайта қуришга қаратилган бўлади”<sup>8</sup>. Демак, ижтимоий тарбия умумийлик хусусиятига эга бўлиб, ижтимоий тарбия жараёни ўта мураккаб механизмлардан таркиб топади. Жамият аъзоларини ҳар томонлама тарбиялашда муайян ёндашувларни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Жамиятда содир бўлаётган турли ҳодисалар жамият аъзоларининг тарбияланганлигига ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан, жиноятчиликнинг олдини олиш, маънавий-ахлоқий тарбияни юксалтиришда ҳам ижтимоий тарбия жиддий аҳамият касб этади. Шунингдек, “Ижтимоий тарбия жараёни бир бутун, яхлит система бўлиб, жамиятнинг барча социал институтлари (оила мактабгача тарбия муассасалари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, маҳалла кенгашлари) жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, маданий-маърифий уюшмалар амалга ошираётган барча тарбиявий-мафкуравий тадбирларни, шунингдек, маданий мерос, миллий қадриятлар, жамоатчилик фикрининг тарбиявий-мафкуравий имкониятларини ҳам ўзида қамраб олади. Бошқача, айтганимизда, ижтимоий тарбия-тарбиявий таъсирнинг мақсади ва вазифалари, устувор йўналишлари ва соҳалари, омиллари ва воситалари, услублари ва усулларини ўзида мужассамлаштиради”<sup>9</sup>. Мамлакатимизда жадаллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, инсон қадрини учун, инсонпарвар жамият барпо этиш мақсадлари ижтимоий тарбияни такомиллаштиришни тақозо этади.

Шахс иштирок этадиган ижтимоий муносабатлар тизими қанчалик кенг, хилма-хил ва чуқур йўналтирилган бўлса, унинг маънавий дунёси ҳам шунчалик бой бўлади. Маънавий олами кенг ва дунёқарашини соғлом бўлган шахс жамиятнинг бойлиги бўла олади. Маънан тарбияланган шахслар ижтимоий-маънавий муҳитда ўзига хос таъсирга эга бўлиб жамиятда ундай кишиларнинг тарбият топишига ҳам хизмат қилади. Ижтимоий муносабатларни барқарорлигига таъсир кўрсатади. Ижтимоий тарбия жараёнида ечимини кутаётган ижтимоий мақсадлардан келиб чиқадиган вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади. Шу нуқтаи назардан ижтимоий тарбияни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни бажариш муҳим саналади:

- ёшларни ижтимоий тарбиялаш уларни ҳаётга тайёрлаш, дунёқарашини кенгайтириш, шахсий ҳаёт позициясини шакллантириш, ўз ҳаётига, турмушига мақсадли ёндашув, мақсадли ва фаол амалий ишлар бирлиги ҳиссини уйғотиш;

<sup>7</sup> Алимасов.В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. Тошкент: “Noshir”, 2008.-Б.10.

<sup>8</sup> Чориев А.Инсон фалсафаси. Ижтимоий тарбия.Учинчи китоб/матн/ Қарши.Илм-fan-ma’naviyat, 2024.-В.19.

<sup>9</sup> Чориев А.Инсон фалсафаси. Ижтимоий тарбия.Учинчи китоб/матн/ Қарши. Илм-fan-ma’naviyat, 2024.-В.19.

- миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, замонавий билимлар ва замонавий тафаккурга эга шахсларнинг кўпайиши учун ижтимоий шарт-шароитлар, имкониятлар яратиш;
- умуминсоний ахлоқ меъёрлари одаимийлик, камтаринлик, беозорлик, ўзаро ёрдам, меҳр-шафқат, муҳаббат, мурувват, адолат, инсонпарварлик, бағрикенглик, ҳалимлик мустаҳкам эътиқодлилиқ, юксак маданиятли шахсни қарор топтириш;
- ёшларда ҳуқуқий ва ахлоқий қонун ва қоидаларга ҳурмат руҳини кучайтириш, фуқаролик туйғусига, ижтимоий масъуллиги ва бурчига садоқатлилиқни шакллантириш;
- ватапарварлик туйғусини мустаҳкамлаш, аждодлар меросига муносиб ворислик ҳиссини уйғотиш, турли миллат ва халқларнинг маданияти, эътиқодини ҳурмат қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини камситмасликка ўргатиш;
- Ижтимоий тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири бу-ҳуқуқий тарбия ҳисобланади. Демократик жамият барпо этиш мақсади жамият кишиларини ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳуқуқий маданият ва саводхонлиқни юксалтиришни тақозо қилади. Халқимизнинг мустабид тузум даврида бошидан кечирган қийинчиликлари, ҳақ-ҳуқуқларининг поймол этилгани, давр сиёсати билан масалалар инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ тасаввурларини рўёга айлантирган эди. Ҳозирги даврда янгиланаётган жамият аъзоларини Ўзбекистонда амал қилаётган инсон-жамият-давлат принциплари асосида инсон қадр, шаъни ва ҳақ-ҳуқуқлари даҳлсизлигини, ҳаёти, эркинлиги кафолатларини билишлари, англашларида кўмаклашиш жуда зарур ишларимиздан ҳисобланади.
- Мустақиллик асида халқимизга ўз ҳақ-ҳуқуқларини қайтариб берди. Демократик ислохотлар сабабали инсон қадр қимматини кўтаришга, эркин, озод ва обод ватанда яшаш имконини яратилди. Конституциямизнинг қабул қилиниши халқимизнинг тенглар ичида тенг, дунё халқлари қаби шахсий, сиёсий, ҳуқуқий иқтисодий ижтимоий ҳуқуқларини мустаҳкамлади. Бироқ, “шахснинг ҳуқуқий онги мавжуд реалликка муносабат равишда ўзгариб улгургани йўқ. Фуқароларнинг аксар қисми ўз ҳақ ҳуқуқларини тўлиқ англаб етмагани, улардан тўла қонли фойдалана бошлагани йўқ. Ҳуқуқлари поймол этилганида қайси ташкилотга мурожаат этиш зарурлигини ғира-шира тасаввур қилувчилар сони ҳам талайгина. Мамлакатимиз социологларининг бу борада ўтказган ва кўплаб оммавий ахборот воситаларида эълон қилган социологик сўровлари натижалари ҳам шундан далолат беради”<sup>10</sup>.

Итимоий тарбия инсоният тараqqiyotining butun tarixi davomida olimlarning diqqat markazida bo'lgan. Ayniqsa, jamiyatning odob-axloq, aql-zakovat, ma'naviyat va ma'rifat kamligi bilan ajralib turadigan zamonamizdagi bugungi ahvoli, yangi hayotiy qadriyatlarni shakllantirish va individual yondashuv, ijtimoiy tarbiya muammosiga bo'lgan e'tiborning kuchaytirilganligi bilan xarakterlanadi. Zamonaviy jamiyatda shxsn rivojlantirish individual yondashishga tayangan holda, aksariyat holda insonning ijtimoiy mavjudot ekanligini va jamiyatdan tashqarida, yakka holda mavjud bo'lolmasligini unutamiz. Jamiyat, insonning bevosita muhiti, uning ijtimoiylashuvining asosiy manbai bo'lib xizmat qiladi, shu jihatda olganda bunda ijtimoiy tarbiya alohida o'rin tutadi.

Hozirgi hayotining yangi sharoitida o'ziga xos huquqiy demokratik jamiyat qurishda bir paytlar mustabid tuzum davrida hech bir islohotlar yoki yangilanishlarda ishtirok etmagan aholi qatlamlari keng faollikka chaqirilmoqda. Mamlakat fuqarolarining zimmasiga yuqori mas'uliyat yuklangan, endi mamlakat taqdiri kelajagi, taraqqiy etishi xalqning yakdil bo'lishi bilan bog'liqdir. Ammo istiqlol xalqni siyosiy erkinlik cho'qqilariga ko'targan bo'lsada, eski tuzum davridagi xalq yashagan zulmatni

<sup>10</sup> Чориев А. Инсон фалсафаси. Ижтимоий тарбия. Учинчи китоб/матн/ Қарши. Ilm-fan-ma'naviyat, 2024.-В.61.

darhol bartaraf eta olmasdan ongu shuuridan siqib chiqarmasdan yangi natijalarga erisha olmaydi. Xalqning loqaydligi, befarqligi eski tuzumdan olingan eng og'ir meros bo'lib, vatanimiz tiklanishning shu yorug' kunlarida undan ko'p jabr ko'rdi. Shu bois xalqning ijtimoiy tarbiyasi masalalari birinchi o'ringa chiqdi va davlat ahamiyatiga ega bo'ladi. Ijtimoiy tarbiya ikki tomonlama jarayondir. Davlat ijtimoiy tarbiya vazifalarini shakllantiradi, uning infratuzilmasini yaratadi, dasturi va mazmunini belgilaydi. Shu bilan birga, tarbiya o'z qadriyat yo'nalishlari, stereotiplariga ega bo'lgan va ijtimoiy normalar va davlat ko'rsatmalari talablarini amalga oshirishga jiddiy tuzatishlar kiritadigan aniq ijtimoiy, guruh va individual sub'ektlar tomonidan amalga oshiriladi. Turli tarbiya tashkilotlarida odamlarning o'zaro munosabatlari jarayonida amalga oshiriladigan ijtimoiy tarbiya insonga jamiyat nuqtai nazaridan zarur bo'lgan ijtimoiy, ma'naviy va hissiy qadriyatlarni o'zlashtirishi uchun ko'proq yoki kamroq qulay shart-sharoitlar va imkoniyatlar yaratadi. O'z-o'zini anglash va o'z taqdirini o'zi belgilash uchun.

Demak, ijtimoiy tarbiya deganda kishilarning jamiyatdagi hayotiy faoliyati bilan bog'liq maqsadli tarbiyaviy faoliyat tushuniladi. Ijtimoiy tarbiya shu ma'noda insonni jamiyat hayotiga tayyorlashni o'z ichiga oladi.